

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбасқовна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
46. Муминов А., Норов Ш. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж. АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
48. Мўминова Г.Э. ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
49. Муталлибжонов М.М. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
50. Нафиддинова Х.Р. БУХОРО ТҮЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
51. Норматов О. ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҶАЗАЛАР....	398
52. Нурматова М.М. ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
53. Пардаев А.А. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
54. Примова Ф.А. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
55. Расулов А.М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
56. Расулов Ҳ.М. ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР.....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Нурматова Мастура Махмудовна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
стажёр-ўқитувчиси
E-mail:mastura-2020@mail.ru

ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

For citation: Nurmatova Mastura Makhmudovna. REFLECTION OF HISTORICAL FIGURES IN THE NOVEL "THE BRIDE FROM FERGHANA" BY GEORGE ZEYDAN. Look to the past. 2020, SI, pp.405-409

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-52>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Журжий Зайдоннинг фаолияти унинг тарихий романлари , "Фарғона келини" романидаги тарихий шахслар билан боғлиқ воқеалар бадий талқини таҳлил этилган. Журжий Зайдон тарихий романлар асосчисидир. У адабиёт соҳасидагина эмас, балки фан ва маданият бобида ҳуқуқ, география, журналистика соҳасида ҳам анчагина ишлар қилди. Зайдонни адабиёт оламига машҳур қилган унинг романлари бўлди. У араб тарихий романчилигига асос солди, уни юқори поғонага кўтарди. Зайдоннинг 22та тарихий романи бўлиб (буларнинг кўпи ўрта аср тарихига оид), улар чуқур ўрганишга, тадқиқ этишга лойиқ.

Калит сўзлар: Араб адабиёти, Журжий Зайдон, халифа, Бобак, Маъмун, роман, хуррабийлар, тарих, Фарғона.

Нурматова Мастура Махмудовна
Международная Исламская Академия Узбекистана
стажер-преподаватель
E-mail:mastura-2020@mail.ru

ОТРАЖЕНИЕ ИСТОРИЧЕСКИХ ЛИЧНОСТЕЙ В РОМАНЕ "НЕВЕСТА ИЗ ФЕРГАНЫ" ДЖУРДЖИ ЗЕЙДАНА

Анотация: В этой статье анализируется творчество Джурджи Зейдана, его исторические романы, в частности литературные интерпретации связанные с историческими личностями в романе "Невеста из Ферганы" Джуржий Зейдан основатель исторических роман. Он проделал большую работу не только в литературе, но и в науке, культуре, праве, географии и журналистике. Именно его романы сделали Зейдана знаменитым в литературном мире. Он заложил основу для арабского исторического романа и вывел его на первый план. 22 исторических романа Зейдана (многие из них связаны со средневековой историей) заслуживают изучения. Его самая известная историческая работа - "Ферганская невеста".

Ключевые слова: Арабская литература, Джурджи Зейдан, халифа, Бобек, Маъмун, роман, хуррамиты, история, Фергана.

Nurmatova Mastura Makhmudovna

International Islamic Academy of Uzbekistan

trainee teacher

E-mail: mastura-2020@mail.ru

REFLECTION OF HISTORICAL FIGURES IN THE NOVEL "THE BRIDE FROM FERGHANA" BY GEORGE ZEYDAN

ABSTRACT

This article analyzes the work of Djurjiy Zeydan, his historical, in particular, literary interpretation related to historical figures in the novel "Bride from Fergana". J. Zaydon is the founder of historical novels. It was his novels that made Zaydon famous in the literary world. He laid the groundwork for Arabian historical romance and took it to the forefront. Zaydon's 22 historical novels (many of them related to medieval history) are well worth exploring. His most famous historical work is the "Bride of Fergana". This work is a historical work based on realities. This work presents several historical figures.

For a better picture of the novel, let's look at historical events for a moment. In the ninth century, the liberation movement began and spread in some places. Zaydon, who knew the history, was not satisfied with the writing of historical works. He liked to propagate history through fiction, to encourage people to learn from history.

Index Terms: Literature of Arabic, Jurjiy Zeydan, khalifa, Bobak, Mamun, novel, history, Fergana.

Долзарблиги. Ҳар бир миллий адабиёт қайси тилда ва қайси минтақада яратилган бўлмасин, жаҳон адабиётининг таркибий қисми ҳисобланади. Бунда уммаълум шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтиши, бошқа миллий адабиётлар билан ижодий алоқада бўлиш лозим.

Журжий Зейдон араб адабиётининг йирик намаёндаларидан бири. У адабиёт соҳасидагина эмас, балки фан ва маданият ҳуқуқ, география, журналистика соҳаларида ҳам ижод қилди. Адабиётшунослик, тил фалсафа, тарих, ҳуқуқ география, журналистика Журжий Зейдон қизиққан самарали ижод қилган соҳаларидир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган. 3. Тадқиқот

натижалари:

Журжий Зайдон 1861 йил 14 декабрда Байрут (Ливан)да туғилиб 1914 йил 21 августа Қоҳирада вафот этди. У камбағал оилада ўстанлиги боис, мустақил ўқишга унчалик қурби етмади. Пойабзал тозалаб,мустақил равишда китоб мутоласига киришди, адабиёт, тарих уни эрта қизиқтирди. У ўз кучини синаб кўрган соҳаларнинг бирортасида ҳам расмий таълим олмаган. Убарчасига шахсий мутоала орқали эришган эди. Журжий Зайдон протестантлар коллежи ўқиб, "доричи" гувоҳномасини олган. Сўнгра Мисрга бориб, у ерда "Аз Замон" журнали таҳририятига ишга киради(1982) кейин Ливанга қайтади, сўнгра Байрутда олимлар суҳбатида бўлиб,билим олишга муваффақ бўлади. У Лондонга бориб,табобат соҳасидаги билимларини оширишга уринади, у ерда шарқ адабиёти ва тарихини биладиган олимлар билан танишади, кутубхоналарга қатнайди. Британия музейи кутубхонасида у айниқса кўп мутоала қилди. Бундаги араб манбалари унинг ижодига катта туртки бўлди. Сўнгра Зайдон Европа бўйлаб саёҳат қилди,Қоҳирага қайтгач,муаллимлик қилади,айни замонда "ал -Муқтатаф" журналида ишлай бошлайди. Зайдон 1892 йил Мисрда "Ал Ҳилол" журнаliga асос солади ва умрининг охиригача -йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида унинг ношири бўлди. Бу адабий журнал шундан буён ўтган сал кам саксон йил давомида араб адабиёти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган.

Зайдон ушбу журнал учун тарихий-адабий мақолалар ёзди. Шу журнал тақозаси билан илмий-оммабоп мақолалар ва тарихий саргузаштлар ёзиб,кейинчалик тарихий романлар яратди.Унинг "Хорун Ар-Рашиднингсинглиси" романи 1906 йилда ёзилган .

Зайдон 1889 йилда икки жилдик "Мисрнинг янги тарихи" , "Умумий мосуний тарихи"ни,1902-1905 йиллар орасида эса беш жилдик "Ислом маданияти тарихи"ни ёзди. Бу сўнгги асар тўлалигича 1910-1912 йиллар орасида Истанбулда турк тилига,кейин форс,ҳинд тилларига,1907 йилда Лейденда тўртинчи томи инглиз тилига,биринчи томи 1914 йилда татар тилига таржима қилинди.

Зайдонни адабиёт оламига машҳур қилган унинг романлари бўлди. У араб тарихий романчилигига асос солди,уни юқори поғонага кўтарди. Зайдоннинг 22та тарихий романи бўлиб, (буларнинг кўпи ўрта аср тарихига оид),улар чуқур ўрганишга,тадқиқ этишга арзийди. Унинг энг машҳур тарихий асари бу "Фарғона келини" асаридир. Ушбу асар реал воқеликларга асосланган тарихий асар бўлиб, унда бир неча тарихий шахслар акс эттирилган .

"Фағона келини" асари IX асрда араб халифалигида бўлиб ўтган воқеаларга бағишланган.Халифалик ҳудудида IX асрда халқ озодлик ҳаракатлари бошланиб,баъзи жойларда авж олиб кетган эди.Халифа ҳукумронлигини даҳшатга солган воқеалардан бири Бобак қўзғолони эди.

Бобак Хуррабий Озарбайжон, Арманистон ва Шимолий-Фарбий Эронда бошланган хуррабийлар ҳаракатига бош бўлиб, йигирма йилдан ортиқ курашади. Ҳатто халифа Маъмуннинг ҳам бу қўзғолонни бостиришга қурби етмайди. Шу билан бир вақтда Мисрда (829-832) қўзғолон кўтарилиб, уни бостириш учун халифанинг ўзи бош бўлиб Мисрга боради, қўзғолончиларни қаттиқ жазолайди. Бу орада ички зиддиятлар ва тахт учун курашиш зўраяди. Халифаликда хатто араб қўшинларига ҳам тўлиқ ишонч қолмайди,уларнинг турини ўзгартиришга киришилади. Бағдод аёнлари ва қўмондонларининг домий фитналаридан хавфсираган халифа, аввало Ўрта Осиёдаги халқлардан қўшин тўплаб, ўз тахтига таянч қилиб олади. Дастлаб аскарлар чегара тўқнашувлврда асир тушган ҳамда

ўша даврда қул бозорларидан сотиб олиб келинган қуллардан, кейинчалик махсус тузилган қўшинлардан иборат бўлган.

Халифа даргоҳида туриб, пойтахтдаги араб исёнкорларига қарши курашда, уларнинг қўзғолонларини бостиришда хизмат қилган. Аскарлар маҳаллий араб аҳолиси билан алоқада бўлмас, ҳатто уларга уйланиш ҳам тақиқланган эди. Шу боисдан ҳам улар учун Ўрта Осиёдан турк чўрилари келтирилган. (Бу ҳолат романда ҳам акс эттирилган) Халифа улар хизматидан яхши манфаатдор бўлгани учун уларга етарли маош ва мукофотлар бериб турган. Турк аскарларидан тузилган гвардияга кейинчалик шу халқдан саркардалар тайинланган. Сўнгра ички низолардан қўрққан халифа Муътасим (813-845) янги шаҳар Сомуррони бунёд этиб, турк гвардиясига ўша ерни қароргоҳ қилиб белгилайди, сўнгра пойтахтни ҳам у ерга кўчиради. Лекин халифа Сомуррода ҳам бора-бора турк қўшинлари ва лашкарбошларидан хавфсирай бошлайди. Чунки бу гвардия бошлиқлари тожтахт учун ўзаро курашларга ҳам аралашиб, ўз манфаатларига хизмат қиладиган номзодни қўллашга ҳаракат қила бошлайди.

Араб халифалиги таркибига кирган бошқа халқлар, ҳокимликлар халифалик тахтини сақлаб қолишга уринишган. Чунончи, Уструшона ҳокими Афшин халифаликнинг энг йирик саркардаси бўлган. Шу Афшин ёрдамида Муътасим акаси Маъмун ҳам бостиролмаган Бобак қўзғолонини бостиради ва Бобакни Сомуррога келтириб ўлдиради. Афшиннинг ўсиб бораётган нуфузидан қўрққан халифа унинг Бобакни тутиб берганини ҳам хисобга олмайди, хиёнатда айблаб ўлдиради. Зайдоннинг "Фарғона келини" романи ана шу воқеаларга бағишланган. Бунда барча тарихий воқеалар, шахслар ўзича қолади. Воқеа Фарғона ҳокимининг қизи Жаҳоннинг Зирғом билан севгиси тасвирлари билан бошланиб, тарихий воқеаларга кўра, севишганлар бошқа юртларда турли-туман саргузаштларга дучор бўладилар. Жаҳон Бобак қароқчилари қўлига тушиб, воқеа Арманистонга кўчирилади, у ерда хуррабийлар билан халифалик қўшини тўқнашуви тасвирланиб, Бобакнинг қўлга тушиши, қатл этилиши баён этилади. Ниҳоят роман Жаҳоннинг Ироққа, Сомуррога келиши, икки севишганни бир бирига етишуви билан тугайди.

Зайдон тарихий асарлар ёзиш билан кифояланмаган. У одамларга тарихни бадиий асарлар орқали тарғиб қилишни, уларни тарихдан ўртак олишга даъват этишни маъқул кўрган. Шу сабабдан ушбу роман жанрини танлаган Бундаги барча қаҳрамонлар тарихий шахслар бўлиб, баъзилари эса муаллифнинг ижодий маҳсулидир. Ёзувчининг ўзи шундай дейди: "Одамларнинг тарих ўқишига ва ундан фойдаланишига энг яхши восита тарихни роман шаклида оммалаштириш эканлигини тажрибада кўрдик. Бунда, хусусан, баъзи бир Европа ёзувчиларида кўрганмиздек, роман тарихдан устун турмаслиги керак, балки тарих романдан устун туриши ва романни бошқариши керак. Унинг "Фарғона келини" асари кўпгина араб давлатларида тарқалиб, бир нечта тилларга таржима қилинган.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Зайдоннинг тарихий романларини ўқиган ҳар бир ўқувчи, албатта маънавий озуқа олади. Унинг тарихий шахслар ҳақида фикрлари кенгайди. Фикримизча хозирги замон ўқувчиси албатта Журжий Зайдоннинг тарихий асарларини ўқиши мақсадга мувофиқ. Адиб ўтмиш орқали ўқувчига етарли маълумотни ўз асарларида имкон қадар етказиб беришга ҳаракат қилган.

Иқтибослар/Сноски/References:

- [1]. Журжий Зайдон. Ислом маданияти тарихи, 3 жилд. Техрон, 2000 (Jurgi Zaydon. History of Islamic Culture, Vol. Tehran, 2000)
- [2]. Ходжаева Р. Замонавий араб адабиёти. -Тошкент, 2000 (Khodjaeva R. Contemporary Arabic Literature. - Tashkent, 2000).
- [3]. Шоисломов Ш. Фарғона келини. -Тошкент, 1970 (Shoislomov Sh. The bride of Ferghana. - Tashkent, 1970)
- [4]. Штинский Ф. Арабская литература. -Москва, 1970 (Shtinsky F. Arabic Literature. -Moscow, 1970)
- [5]. Гибб Х. Арабская литература. -Москва,1946 (Gibb H. Arabic Literature. - Moscow, 1946).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000